



17.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ ва КР Республикалик ахборот ресурс маркази ўртасида 4950000,00 сўм  
умумий суммага тузилган 01/02-679 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб

075

Шахсий газна хисобварак

100021860354017096100075044

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4222000			
Январь	1 650 000,00			1 650 000,00
Февраль	1 650 000,00			1 650 000,00
Март	1 650 000,00			1 650 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>4 950 000,00</b>			<b>4 950 000,00</b>

Жами 4950000,00 сўм

Тўрт миллион тўккиз юз эллик минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_ % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи разбари



Буюртмачи бўйи бухгалтери

*Z. Sardor*

(имзо)

Сейтниязова З.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

*T. Oteuлиева*

(имзо)

Отеулиева Т.

Ф.И.Ш.

230131/18



HUDUDGAZTA' MINOT

HGT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табиий газни улгуржи истеъмолчи етказиб берниш ва қабул килиш  
ШАРТНОМАСИ

2022 диг 17 ои 01/02-679 он

Нукус шахарга з  
(шартнома тузилган жол)

Низом асосида фаолият юритувчи  
иштакхонаси

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари 3. Сейтхиззода

томондан хамда Низом ва 20 18 диг "059нварь" берилган 03-19-03/33  
ишоничнома асосида фаолият юритувчи "

(газ таъминоти таҳникологи номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),  
раҳбари X. Ниманов иккинчи томондан, куйидагилар тұрғысда  
мазкур шартномани түздилар:

#### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи үз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг  
келинишлган буюрманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади)  
етказиб берниш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса үз зиммасига ушбу шартноманинг  
1.4-бандида кўрсатилган хажма газни қабул килиш мажбуриятини олади хамда  
тўловларни белгиланган нарх бўйича үз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлантириши лойихасига  
мувоффик, газдан фойдаланиши учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ  
курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мевёлларга (Габиий газдан  
фойдаланиши коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқарилалиган маҳсулотга (ёки  
кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим  
этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол  
килиниши таҳмин килинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 2022 йилда 7500  
куб.м, нархи 4950000 минг сўмни ташкил киласи, жумладан чораклар ва ойлар  
бўйича куйидагича таксимланади:

I чорак	минг.м3. январь	2500	февраль	2500	март	2500
II чорак	минг.м3. апрель		май		июнь	
III чорак	минг.м3. июль		август		сентябрь	
IV чорак	минг.м3. октябрь		ноябрь		декабрь	



Етказиб берувчи томонидан хизматларни тұлғы жақмда күрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиқкан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий ахамияттаға эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал жаҳми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чорақлар ва ойлар бўйича кўйидагини ташкил қиласди:

I чорак	минг куб.м.	январь	февраль	март	
II чорак	минг куб.м.	апрель	май	июнь	
III чорак	минг куб.м.	июль	август	сентябрь	
IV чорак	минг куб.м.	октябрь	ноябрь	декабрь	

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорақ учун ажратилган табиий газ жаҳми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган жаҳмлар доирасида кайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорақ) учун кўрсатилган табиий газ жаҳмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва жаҳмларда хамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул килиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуулар оркали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ кувурларидан юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор килингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огохлантирган холда газ етказиб бериншни чеклаш ёки тўхтатиб кўйини хукукига эга, Истеъмолчи эса заҳира ёки турнишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-кабул килиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмалишини таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёкилғи туридан фойдаланишини кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёкилғига ўтиши ва газдан фойдаланишини тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар. ГТП (газ таҳсиллаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланишини оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда. Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармокларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, таҳсиллаш ва истеъмол килиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоклари бўлинниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоги бўлинниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоги бўлинниши нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: харорат 20° С, босим 101.325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилиди.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хуқуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равинида келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчон комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегитили қоидалар ва меъёrlарга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ

истемолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ булиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъуллариди.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидан кисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишили далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабии холатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиби холатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги холларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноконуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – хисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) хисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамғаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармокларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача булган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол килиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол килинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб килиш хукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чикқанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чикиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу ҳакда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графикини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чикиш ҳолати аниқланган тақдирда кайта ҳисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(О'з DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тұловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 күн олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тұлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 күн олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалга ошириши хошишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида ҳисоб-китоб килиш тўғрисида Етказиб берувчига билдириғи тартибида мурожаат килишга ҳақлайдир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 күн олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тұлашлари шарт. Амалда истеъмол килинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиринча амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тұловсиз етказиб берилмайды.

4.5. Олдиндан тұлов ғана оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагandan кейин 30 күн мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тұланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тұлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли ҳил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қиска туашув ва х.к)даги техник носозликлар аникланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қиласан ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табии газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор килган ҳолда карзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табии газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табии газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табии газни истеъмол килишини хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар буйича ҳисоб-китоб қиласиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табии газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси Истеъмолчида куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлинеш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктиримасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табии газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табии газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс этириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани узаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги түлек кувват билан ишлаб туриши хисобидан аникланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу хакидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибида кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табии газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги I ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

## **V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод килмайди.

## **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ**

6.1. Истеъмолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунинг кадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтизишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик килувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш коидаларига зид равишда газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошка коидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокка қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

### **7.1. Етказиб берувчи қўйидагиларга мажбур:**

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмираш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниглаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қискарған ёки тўхтаган тақдирда бу тўгрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунинга кадар табиий газ таъминотини кўшимча огоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкири вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичига алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **7.2. Етказиб берувчи қўйидаги ҳукуқларга эга:**

- техник заруратга күра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган холда, табиий газни етказиб беришни кискартириш ёки тұхтатиши;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб күйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб килиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун хужжатларига мувоғиқ бир томонлама воз кечиши;

- газ тармоқларida авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бұлмайдыган чораларни күриш зарурати юзага келганды, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган холда, табиий газни етказиб беришни тұхтатиши ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аникланган қоидабузарликлар бартараф этилгүнинг кадар аввалдан огохлантирмаган холда газ етказиб беришни тұхтатиши.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.

### 7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчiga электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиши;

- газ ҳўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармоқларida ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниклаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувоғиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазиспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол килишини хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл кўймаслик ва үрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дархол хабардор қилиш.

- Газ тармоги булиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ТГҲНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлик етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибида қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун қўйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн барабаридан ўн беш баравари миқдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) киш даврида вактингча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкари);
- г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул килиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб килиш хукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибида тўланган суммани кайтаришни талаб килиш хукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада курсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пена тўлади.

8.6. Шартномада курсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пена тўлади.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истеъмолчи” – “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига қатъий риоя қиласди.

## X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибида жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартирishiغا йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганды, шунингдек енгіб бұлмас күчлар туфайли содир бұлған табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкини, ёнғин чикиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига аосан тарафлар шартнома буйича үз мажбуриятлари бажариш имкони бұлмай қолғанда жавобгарлықка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тұхтатиши, қисқартириш ёки муносабтларни тұхтатиши ҳукуқига эга бұладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тәкдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, күрсатылған ҳолатлар 90 күндан ортик қун мобайнида сақтаниб тұрса, томонлар музокаралар йүли билан шартноманы келгусида бажариш тұғрисидаги қарор қабул қиласылады.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага үзгартыриш ва құшимчалар ёзма равиша расмийлаштырилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

\* 12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президенттінинг 2007 йил 28 февралядагы ПҚ-594-сон қарорига аосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома \_\_\_\_\_ йил 31 декабргача бўлган муддатта тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тұғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тұғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилик ҳар йили “\_\_\_\_\_” йил 31 декабр санаасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома буйича даъволари даъво қабул килинган кундан бошлаб 30 күн мобайнида кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президенттінинг 2020 йил 18 шіндеги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштыриш буйича құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ғи № 6010-сон Фармони қабул килиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларға етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун иккى нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<b>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»</b> <b>«Худудигуз Коракалпогистон»</b>	<b>“ИСТЕММОЛЧИ”</b> <i>Республика Узбекистан</i> <i>Худудигуз</i>
<p>Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Бердах гузари №179</p> <p>КТУТ коди _____</p> <p>ХХТУТ <u>35220</u></p> <p>Болганиш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43</p> <p>х/р: _____</p> <p>Банк номи: «Узсаноатқурилиш банк Рахат филиали»</p> <p>МФО: 00435</p> <p>ИНН: 306605769</p> <p>Х/Р <u>22634000405113960480</u></p> <p>Рахбар: <u>Х.Айманов</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоси: </p> <p>Мухр ўрини </p>	<p>(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)</p> <p>Почта манзил: <u>Нукус қаласи</u> <u>Д. Улугбек қоридор №179</u></p> <p>ОКПО коди <u>21364114</u></p> <p>ОКЭД <u>91010</u></p> <p>Мулокот телефони <u>61.226-52-46</u></p> <p>Факс/ <u>100021860354017096100075094</u></p> <p>Банк номи: <u>Озсаноатқурилиш</u> <u>Ташкент қаласи</u></p> <p>МФО <u>00014</u></p> <p>ИНН <u>206795904</u></p> <p>Х/Р <u>001122919</u></p> <p>Х/Р <u>23402000300100001010</u></p> <p><i>ХР бойниша қаднчилу беғтараси</i> (ғазначилик бўлинмаси номи)</p> <p>Рахбар: <u>З. Сейтжизова</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоси: </p> <p>Мухр ўрини </p>

Юридик маслаҳатни хуласа

(Ф.И.Ш.)

Юридическое заключение  
Настоящий договор соответствует требованиям  
Гражданского кодекса и Закона Республики  
Узбекистан "О договорно-правовой базе  
деятельности хозяйствующих субъектов"

Юрист

" 13 " 01 2022г.

2022 йил « 01 » даги  
01/02-679 -сон шартномага  
ИЛОВА

Фойдаланишга кабул килинган газдан фойдаланиш ускуналари

**РҮЙХАТИ**

Фаолият түри: Офис

Кадастры №

23170123010055

Табий газ тарифи 660 сүм 00 тийин

н/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегаттар		Лайрхавий газ сарфи, м.куб/сант	Газни хисобя олни прибордаринин түрлери
		номер	сони		
	<u>Арисоён 2</u>			<u>1,8</u>	<u>Принц М-10</u>

**Келишилгандар:**

Етказиб берувчи





РАСЧЕТ договор № 01/02-679 "17"-декабрь 2022 г

№	Газ	м3	Цена	Надбавка	Сумма
1	Январь	2500	660,00	0,00	1650000,00
2	Февраль	2500	660,00	0,00	1650000,00
3	Март	2500	660,00	0,00	1650000,00
4	Апрель				
5	Май				
6	Июнь				
7	Июль				
8	Август				
9	Сентябрь				
10	Октябрь				
11	Ноябрь				
12	Декабрь				
Всего					4950000,00

"Исполнитель"

Начальник  X.Айманов

"Потребитель"

Директор  З.Сейтназарова

